

**VISA Халқаро тўлов тизимиға (Карталар - конверсион бўлимлар орқали) қўшилиш  
тўғрисида Мижозлар (жисмоний шахслар) билан  
—сонли ШАРТНОМА**

шахри

202\_й

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ сонли ишончнома асосида харакат қилувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси (ёки бўлинма бошлиги) \_\_\_\_\_, бир тарафдан ва фуқаро

Ф.И.Ш. (тўлик)

(кейинги ўринларда “Мижоз” деб номланади) иккинчи тарафдан ушбу шартномани (Бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қўйидагилар тўғрисида туздилар.

## **1. Атамалар луғати**

- 1.1. **Авторизация** - карта билан операцияларни бажаришда товар ва хизматларга тўловни амалга ошириш учун карта эгаси хукуқининг тасдиқланиши. Авторизация овозли (телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда) ва автоматлашган (электрон қурилмадан фойдаланган ҳолда) авторизацияларга бўлинади.
- 1.2. **Картанинг бекор қилиниши** - карта кучини йўқотган деб тан олиниши.
- 1.3. **Банк иш куни** - Ўзбекистон Республикасидаги банклар банк операцияларини ўтказиш учун очик бўлган кун.
- 1.4. **Банкомат** - Карта бўйича нақд пулларни автоматик чиқарадиган электрон қурилма.
- 1.5. **Картанинг блокланиши** - картанинг ишлашини вақтинча тўхтатадиган ёки тўхтатиб қўядиган (ушбу ўринда карта хизмат кўрсатишга тақдим қилинганда унинг олиб қўйилиши назарда тутилган) чораларнинг Банк томонидан қўрилиши.
- 1.6. **Карта эгаси** - Картанинг сақловчисига ва устига идентификация маълумотлари ёзилган жисмоний шахс.
- 1.7. **Карта ҳисобварағи** - картадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган пул суммаларини ҳисобга олиш мақсадида Банкда очиладиган ҳисобварағ.
- 1.8. **Дебет карта** (кейинги ўринларда - карта) – Карта ҳисобварағида факат пул қолдиги чегарасида карта операцияларини амалга оширишга имкон берадиган тўлов картаси.
- 1.9. **Кўчирма** - Мижоз талаби билан Банк томонидан тузиладиган бир календар ой учун карта ҳисобварағидан кўчирма.
- 1.10. **Асосий карта** - VISA International Халқаро тўлов тизимиға қўшилиш тўғрисида Банк билан шартнома тузган Мижозга карта ҳисобварағи бўйича расмийлаштирилган карта.
- 1.11. **Кўшимча карта** - Мижознинг ишончли вакилига карта ҳисобварағи бўйича расмийлаштирилган карта.
- 1.12. **Карта операциялари** – товар ва хизматларга тўлов, нақд пуллар олиш ва картадан фойдаланиб амалга ошириладиган бошқа операциялар.
- 1.13. **Халқаро тўлов тизими** - халқаро миқёсда ўтадиган карталар орқали товар ва хизматлар учун нақдсиз шаклдаги ҳисоб-китоблар тизими. Халқаро тўлов тизими картанинг ишлаш қоидаларини белгилайди ва валюталарнинг тегишли конвертацияларига эга халқаро тўлов тизими аъзолари ўртасидаги карта операциялари бўйича клиринг ҳисоб-китобларни амалга оширади.

1.14. ПИН-код - Шахсий идентификацион рақам, 4 хонали рақамдан иборат махфий код, электрон қурилмалар билан карта операциялари ўтказилгандан, карта эгасини аниқлаштириш учун хизмат қиласи.

1.15. Хизмат кўрсатиш корхонаси - товар ва хизматларга тўловлар учун карталар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси.

1.16. Слип - овозли авторизация тартибида карта операцияларини ўтказишида уч нусхада расмийлаштириладиган белгиланган шаклдаги хужжат. Слип карта эгаси ва хизмат кўрсатиш пункти ҳисобчисининг имзолари билан тасдиқланади.

1.17. Тарифлар - карта бўйича Банк томонидан кўрсатиладиган, мукофотни тўлаш санасига амал қиласидан хизматларга Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган тарифлар.

1.18. Овердрафт – карта ҳисобварагидаги қолдиқ маблағлардан ортиқ фойдаланилган сумма.

1.19. Авторизация марказлари - халқаро тўлов тизими аъзоси бўлган банкларнинг қўйи ташкилотлари бўлиб, картанинг эгаси ёки Банкнинг ташаббуси билан овозли авторизация ёки картани блоклашни амалга оширади.

1.20. Ўз минтақасида карта чиқарадиган ва карта операцияларига хизмат кўрсатадиган тури мемлакатларнинг ваколатли банклари Халқаро тўлов тизимининг аъзоси ҳисобланади.

## 2. Шартнома предмети

2.1. Мазкур шартнома Банк картаси ёрдамида Банк томонидан товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш хизматини кўрсатиш, шунингдек VISA International халқаро тўлов тизимида уланган банкомат ва банк кассалари орқали фойдаланувчи томонидан белгиланган тартибида нақд пул олиш соҳасида Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.2. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўзларининг юридик манзили, (доимий рўйхатдан ўтган манзили), исми, шарифи, фамилияси ва уяли алоқа рақами(лари), паспорт маълумотлари (тарафарнинг реквизитлари) шартноманинг муҳим шарти деб белгилаб олишдилар.

## 3. Томонларнинг мажбуриятлари.

### 3.1. Мижоз мажбуриятлари:

3.1.1. Мазкур шартнома шартларига ва қоидаларига амал қилиш;

3.1.2. Асосий ёки қўшимча Картадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган, ПИН-код териш ёки Карта эгасининг имзоси билан тасдиқланган операция бўйича ҳисоб-китобларни шартсиз амалга ошириш;

3.1.3. Тарифларга мувофиқ Банк хизматларини тўлаш;

3.1.4. Овердрафт амалга оширилганда ёки кредитдан фойдаланганда овердрафт ёки кредит суммасини Банк тарифларига мувофиқ тўлаш.

3.1.5. Картани (асосий ва қўшимча) бус-бут сакланишини таъминлаш;

3.1.6. Карта (асосий ва қўшимча) йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, картани қоидаларда белгиланган тартибида блоклаш хусусида зудлик билан Банкка оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш;

3.1.7. Шартноманинг мажбурий шартларига риоя қилиш:

3.1.7.1. Уяли алоқа рақами ўзгарган тақдирда, бу ҳакда дархол Банкка ёзма хабар бериш;

- 3.1.7.2. Туар жойи ва/ёки паспорт маълумотлари, исми шарифи фамилияси ўзгарганда, шунингдек карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, дархол Банкка ёзма/ёки электрон ҳабар бериш;
- 3.1.8. ПИН-кодли конвертнинг берилишида, ПИН-кодли конвертга ташқи шикаст етказилмаганлигини текшириш.
- 3.1.9. Мижознинг айби бўйича ёки картани блокировка қилиш (асосий ёки қўшимча) билан боғлик Банкка келтирилган суд харажатларини тўлиқ тартибда қоплаш;
- 3.1.10. Карта ҳисобварағига янглиш ўтказилган пулларни Банкка қайтариш, шунингдек тизимдаги техник носозликлар туфайли карта ҳисобварағида ортиқча пайдо бўлган пулларни қайтариш;
- 3.1.11. Шубҳали трансакцияларни рад этишда рад этиш учун зарур барча хужжатларни Банкка тақдим этиш;
- 3.1.12. Ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзма хабар Банқдан олинган кундан бошлаб 5(беш) Банк иш куни давомида Банкка ушбу шартнома доирасида Мижоз учун чиқарилган барча карталарни (асосий ва қўшимча) қайтариш.

### **3.2. Банк мажбуриятлари:**

- 3.2.1. Банк Мижоз учун карта чиқариш, унга хизмат кўрсатилишини таъминлаш, шунингдек, мазкур шартномада кўзда тутилган шартларда карта ҳисобварағига ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш;
- 3.2.2. Ариза асосида ва ариза олинган кунидан ва Мижоз хизмат кўрсатиш ҳақини тўлаганидан кейин 10 банк иш куни ичида картани эгасига ёки карта эгаси берган ишончнома асосида иш кўрувчи ишончли вакилига бериш;
- 3.2.3. Қоидаларга асосан карта ишлатилишини таъминлаш;
- 3.2.4. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан икки банк иш куни ичида Мижознинг фойдасига тушган пулларни карта ҳисобварағига ўтказиш;
- 3.2.5. Карта ҳисобварағидаги пул қолдигига фоизлар ҳисоблаш, Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган муддатларда ва ставка бўйича амалга оширилади. Бунда календарь ойида кунлар сони ойдаги бор кунлар сонига, йил ойлари сони 365 (уч юз олтмиш беш) кунга тенг деб қабул қилинади;
- 3.2.6. Банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма/ёки оғзаки мурожаат олинган тақдирда, банк картасидан фойдаланган ҳолда операцияларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш.
- 3.2.7. Мижозга банк картасига хизмат кўрсатиш бўйича ундириладиган васитачилик ҳақининг миқдори уни ундириш тартиби тўғрисида ҳабардор қилиш.
- 3.2.8. Банк тарифлари ва унга киритилган ўзгартиришларни банкнинг [www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz) сайтига киритиб бориши.
- 3.2.9. Ёзма талабнома олинган кундан кейин 5 (беш) банк иш куни ичида Мижозга қўшимча кўчирмаларни тақдим қилиш;
- 3.2.10. Банкнинг интернет сайтларида ([www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)) эълонларни жойлаштириш орқали қоидалардаги барча ўзгаришлар ҳақида Мижозга хабар қилиш.
- 3.2.11. Банк томонидан банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Мижозни банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ҳабарнома (маълумотнома) юборади. Ҳабарнома банк картаси эгасининг уяли алоқа рақамига юборилади.

## **4. Томонларнинг ҳуқуқлари.**

### **4.1. Мижоз қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 4.1.1. Картадан маскур шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиш;
- 4.1.2. Карта ҳисобварафи бўйича кўчирмалар олиш;
- 4.1.3. Мазкур шартноманинг қоидаларида кўзда тутилган тартибда Банкка картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ва блокдан чиқариш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш;
- 4.1.4. Белгиланган шаклдаги ариза асосида карта ҳисобварафи бўйича қўшимча карта расмийлаштириш;
- 4.1.5. Транзакцияни бекор қилиш тўғрисида шу транзакция ўтказилган кундан кейин 60 (олтмиш) календарь куни ичida мурожаат қилиш.
- 4.1.6. “SMS хабар”ни +998-\_\_\_\_\_ уали алоқа рақамига (уали алоқа рақами шахсан банк картаси эгаси томонидан ёзилади) юборишни талаb қилиш ҳуқуқи.

### **4.2. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 4.2.1. Банк Мижоз розилигисиз карта ҳисобварафидан қўйидагиларни чиқариши мумкин:
  - карта операциялари суммаси (ёки овердрафтни амалга ошириш ёки кредитдан фойдаланиш ва стоп-листга қўйиш суммасини);
  - тарифларга мувофиқ Банкнинг хизмат ҳақини;
  - карта ҳисобварафига янглиш ўтказилган пулларни ечиб олиш;
- 4.2.2. Карта бўйича тўлов амалиёти ўтказилган кунидан 60 (үттиз) календар кун ўтгач, Мижоздан ушбу тўлов амалиёти юзасидан келиб тушган даъволарни кўриб чиқмаслик;
- 4.2.3. Мижоз ариза берилган кундан эътиборан 6 (олти) каленларъ ой ичida Мижоз Банкка келиб Картасини олмаса, Картани (асосий ёки қўшимча) бекор қилиш ва Карта ҳисобварафини ёпиш ҳамда тўланган хизмат кўрсатиш ҳақини Мижозга қайтармаслик;
- 4.2.4. Қоида ва кўрсатиладиган хизмат учун банк хизматлари тарифларини ишлаб чиқиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бу ҳақдаги маълумотларни [www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz) интернет сайти орқали эълон қилиш. Бундай ҳолларда Банк ўз сайтида ўзгаришлар ҳақида ахборот беради;
- 4.2.5. Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида карта операциялари харажатларининг лимитини ўрнатиш ҳуқуқига эга.
- 4.2.6. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади. Карта унда кўрсатилган ой ва йил охиригача амалда бўлади ва 3 йил муддатга чиқарилади. Муддати ўтган ва амал қилиш муддати ҳали келмаган карталар бўйича операциялар амалга оширилмайди.

## **5. Ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари**

- 5.1. Карта ҳисобварафи USD (АҚШ доллари) ва/ёки ЕВРО да юритилади.
- 5.2. Карта ҳисобварафининг тўлдирилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд ва нақд пулсиз шаклдаги тўловлар орқали амалга оширилади.
- 5.3. Карта операциясининг валютаси карта ҳисобварафи валютасига транзакциянинг молиявий тасдиғи келиб тушган кунда амалда бўлган «HAMKORBANK» АТБ курси бўйича конвертация қилинади.
- 5.4. Банк томонидан қўйидагилар учун хизмат ҳақи олиниши мумкин:
  - карталарга хизмат кўрсатиш;

- кўшимча кўчирма бериш;
- картани ўзгартириш ёки йўқолган карта ўрнига янги карта бериш;
- карта бўйича нақд пуллар олиш ва савдо/хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш;
- картани блокировка қилиш.

Хизмат хақлари банкнинг белгиланган тарифлари бўйича карта ҳисобвараги валютасида олинади.

5.5. Кўшимча кўчирма банк тарифига мувофиқ тўловли асосда тақдим қилинади ва кўпи билан икки календарь ой муддатни қамраб олади.

## **6. Томонларнинг жавобгарликлари**

### **6.1. Мижоз қуийдаги ҳолатлар учун жавобгар:**

- мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда, банкка етказилган зарарни тўлиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва тўлайди;
- йўқолган картани(асосий ёки кўшимча) блоклаш ҳақида Банкка ўз вақтида билдиришнома берилмаганлиги оқибатлари - Банкка келтирилган зарарнинг тўлиқ ҳажмида тўлайди;
- карта ҳисобварагига янгиши ўтказилган пулларни қайтармаслик учун – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.
- карта ПИН-кодини бошқа шахсга билдириган бўлса, ушбу карта орқали амалга оширилган барча операциялар учун жавобгардир;
- банкка тақдим этиладиган барча маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун тўлиқ жавобгар.
- карта эгаси тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда, у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг картани Банкга ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгардир.

### **6.2. Банк қуийдаги ҳолатлар учун жавобгар:**

- банк сирини ошкор қилиш - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир;
- карта ҳисобвараги бўйича янгиши амалга оширилган операция учун – бу ҳолда Банкнинг жавобгарлиги янгиши амалга оширилган операцияни бекор қилиш билан чекланади;
- банк қонун хужжатларида ўрнатилган мижоз карта ҳисобварагига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди;
- Мижоз томонидан Марказий банк қонун хужжатларида назарда тутилган барча зарурий хужжатлар тақдим этилганидан кейин Банк томонидан банк картасини очиш сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур банк картасини очиш учун ортиқча хужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- Банк карта эгасининг карта йўқолган, ўғирланган, бузилган ҳолда ва бошқа ҳолларда ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ёзма аризаси қабул қилинган кундан кейин картадан фойдаланган ҳолда операциялар бўйича жавобгардир.

### **6.3. Банк қуийдаги ҳолатлар учун жавобгар эмас:**

- учинчи тараф картага хизмат кўрсатишни рад этиши учун;
- карта бўйича сотиб олинган товар ва хизматларнинг сифати учун;

- учинчи тараф томонидан белгиланган ва Мижознинг манфаатларига тегишли бўлиши мумкин бўлган лимитлар, чекловлар ва қўшимча ҳақлар учун;
- йўқолган картани (асосий ёки қўшимч) блоклаш ҳақида Банкка ўз вақтида огоҳлантирмаслик оқибатлари учун;
- мижознинг картаси орқали амалга оширилган интернет тўловлар билан боғлиқ бўлган интернет тўловлар ёки операциялар;
- карта эгаси томонидан CVN (CVV) кодларни учинчи шахсга берилганда;
- карта бўйича транзакция амалга оширилган санадан бошлаб 60 (олтмиш) календар кун ўтгандан сўнг мижоз томонидан ушбу транзакция бўйича шикоятни қабул қилиш ва у бўйича иш қўзғашга;
- мижоз транзакция шикоятини ўз вақтида бериб, транзакцияга тегишли хужжатларни тақдим қилмаганда;
- карта эгаси томонидан қонунчиликка зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда;
- агар карта йўқолиши ва/ёки ПИН-код ошкор этилиши карта эгасининг эҳтиётсизлиги ёки карта билан эҳтиётсиз муомаласи туфайли юз берган бўлда;
- карталар орқали ўтказилган транзакцияларга;
- карта эгаси томонидан нотўри маълумотлар бўйича учинчи шахсга мустақил равишда пул маблағини ўтказганда ёки Эгасининг/Сақловчининг розилиги билан пул маблағини ўтказиш натижасида учинчи шахснинг фирибгарлик ҳаракатларига;
- можаровий ҳолат юзага келиши оқибатида яъни назоратдан ташқари доирада бўлиши, ташқи тўлов тизимининг тўхтаб қолиши, ҳисоб-китоблар, қайта ишлаш ва маълумотларни узатиш билан боғлиқ бўлганда;
- Банк карта йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд картадан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган ҳар кандай молиявий заарлар, шу жумладан СТОП ЛИСТ рўйхатига киритилгандан кейин амалга оширилган транзакциялар юзасидан етказилган заарлар учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.

#### *6.4. Банк қуийдаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:*

- форс – мажор ҳолатлари, шу жумладан, банкларо электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш ҳолатларида;
- банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов хужжатлари тақдим қилинганда;
- қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз карта ҳисобварағи бўйича операциялар тўхтатилганда.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади..

### **7. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати, унинг бекор қилиниш ва ўзгартирилиш шартлари**

7.1. Мазкур шартнома 3 (уч) йил муддатга тузилади. 3 (уч) йилдан сўнг шартномани бекор қилиш бўйича тарафлардан ёзма мурожаат бўлмаса ёки шартнома шартлари бўйича тарафларнинг ёзма эътирози бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги календарь йилига узайтирилган ҳисобланади.

7.2. Шартнома бекор қилинган тақдирда, Банк карта ҳисобварағи бўйича операцияни тўхтатади. Карта ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари қолдиги карта эгасининг тегишли ёзма аризасига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади ёки картадан фойдаланиш муддати кейинги 3 (уч) йилга узайтирилган тақдирда, ҳисобварақ бўйича операцияни тиклаб беради.

7.3. Банк ўзгартиришлар кучга киришидан 10 кун аввал [«www.hamkorbank.uz»](http://www.hamkorbank.uz) банкнинг интернет сайтида эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини

амалдаги қонунчилик доирасида бир тарафлама ўзгартириш ҳукуқини ўзида сақлаб қолади.

7.4. Картада эгаси картани банкка топширгач, исталган вақтда ушбу шартномани бекор қилишга ҳақли.

7.5. Банк мижозни 1 ой аввал ёзма равища хабардор қилған ҳолда шартномани бекор қилиши мүмкін.

7.6. Мазкур шартнома тарафлар учун бир хил юридик күчга эга бўлган икки асл нусхада тузилади, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади ва у имзоланган вақтдан эътиборан күчга киради.

7.7. Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма равища расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг қўйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олингандиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

7.8. Ушбу шартнома бекор қилинганда:

- Мижоз томонидан тўланган картага хизмат кўрсатиш ҳақи қайтарилмайди;
- карта ҳисобварағи бўйича пул қолдиги Мижозга нақд пуллар билан берилади ёки Мижознинг ёзма кўрсатмасига кўра унинг банкдаги ҳисобврағига ўтказилади.

## **8. Махфийлик**

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

8.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чикадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қиласлик мажбуриятини олади.

8.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнода амал қиласди.

8.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплади.

## **9. Форс-мажор ҳолатлар**

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), ҳалқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидағи носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимиға қилинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

9.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

9.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар якунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичиди бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равища хабардор қилиши лозим.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганилиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

## 10. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

10.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмагандан, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичida жавоб бериши лозим.

10.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

10.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 11. Томонларнинг реквизитлари:

<b>Банк:</b> Манзил: МФО: <b>СТИР:</b> <b>X/r:</b> <a href="http://www.hamkorbank.uz">www.hamkorbank.uz</a> Тел: 0-800-1-200-200 e-mail: contact@hamkorbank.uz  Филиал Бошқарувчиси:  _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш)	<b>Мижоз:</b> Фуқаро: [фуқаро ФИОси тўлиқ тўлдирилади] Манзил: [фуқаро манзили тўлдирилади] Паспорт: [фуқаро паспорт маълумотлари тўлдирилади] Телефон: [фуқаро телефон рақами тўлдирилади] Email: [фуқаро электрон почтаси тулдирилади]  <i>Шартнома шартлари, унинг жавобгарлигини белгиловчи қоидалари ва Пластик картадан фойдаланиши бўйича қоидалар билан тўлиқ танишиб чиқдим</i> Ф.И.Ш.  _____ ИМЗО _____ (карта эгаси)
--	--